



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI**  
**SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING**  
**Q A R O R I**

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil "24" mart

Қ-185 -son

Termiz sh.

**Термиз тумани "Сурхон Дўстлик Сарҳади" массиви "Солиобод" маҳалласи худудидан "Janub Labo Avtotrans" МЧЖга енгил конструкцияли "Иссиқхона" қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 24 февралдаги 05-02/170-сон йиғилиш баёни, Термиз тумани ҳокимининг 2020 йил 22 октябрдаги 01-08/368-сон хатини инобатга олиб,

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:**

1. Термиз тумани "Сурхон Дўстлик Сарҳади" массиви "Солиобод" маҳалласи худудидан "Janub Labo Avtotrans" МЧЖга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш мақсадида туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 50қ-дала контуридаги жами 4,0 гектар яйлов ер майдони енгил конструкцияли "Иссиқхона" қуриш учун вақтинча (10 йил муддатга) фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. "Janub Labo Avtotrans" МЧЖ бошлиғи С.Ачиловга:

иссиқхона учун ажратилаётган ер майдонидан фақат иссиқхона қуриш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;

мақсадсиз фойдаланилганда ёки бир йил мобайнида фойдаланилмаганида ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

3. Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратиб берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

4. Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

5. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

6. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида ([surxondaryo.uz](http://surxondaryo.uz)) эълон қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов